

«Куч – сиз томонда, биз томонда эса – адолат ва эркинлик ҳукуки»
(М. Чўкаев, Мухторият президенти).

Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, Мухторият ҳукумати биринчи ўринда харбий қисмлар тузишга киришди. Чунончи Мухторият ҳукумати чор ҳукумати даврида камалиб чиккан Эргашга ншонч билдириб, уни харбий кўшинларга бошлик этиб тайинлади. Киска вақт ичида у тўрт мингга яқин йигит тўплади ва уларни куруллантирди. Аммо у тўплаган харбий қисмларнинг малакаси паст ва тажрибаси йўқ йигитлар эди.

Мухторият ҳукуматини ағдариб ташлаш учун Тошкентда кескин чоралар кўриш мақсадида харбий режа тузилаётган вақтда Бутуниттифок Таъсис Мажлисига Фаргонадан вакил этиб сайланган В. Чайкин Туркистонда хокимиятни зудлик билан маҳаллий (муслмонлар демокчи – Й. К.) ишчи ва дехконлар кўлига ўтишининг гоёвий зарурлиги хусусида Миллатлар Халк Комиссарн И. В. Сталинга телеграф оркали мурожаат қилганида у шундай жавоб қилган: «Советлар ўз ички ишларида мухтордир ва улар тегишли реал кучларга таяниб ҳаракат қилади. Шу боис Туркистонда маҳаллий пролетарларнинг марказий Совет хокимиятига Туркистон Совнаркоми харбий қисмларидан бегона кучларга таянганларни таркатиб юбориш ҳақида арз этиб, мурожаат қилиши лозим эмас, балки агар маҳаллий пролетар ва дехконларда куч топилса, уни шу куч билан таркатилсин».

Большевик Е. П. Бабушкин бошчилигидаги Кўкон шаҳар Ишчи ва аскарлар Кенгаши марказдан мадад олиб, Мухторият ҳукуматига қарши курашни кучайтирди. Бабушкин Кенгашнинг пленумини чақириб, унда мухториятчиларни курулсизлантириш ва унинг харбий қисмларини таркатиб юборишни талаб қилувчи кескин талаб (ултиматум) тарзидаги қарорлар қабул қилди. Пленум қарорига асосан мухториятчиларга қарши курашни кучайтириш мақсадида Харбий Инкилобий кўмита тузилди. Инкилобий кўмита ҳам ўз навбатида курулланишни кучайтирди. Мухториятчиларга зарба беришнинг аниқ режаси тузилди. Зудлик билан ёрдам юбориш учун Тошкентга мурожаат қилинди. Тошкентдан ёрдам ҳам кела бошлади.

1918 йилнинг 28-29 январь кунлари Кўконда вазият ниҳоятда кескинлашди. Мухториятчилар ва уларнинг тарафдорлари Шўроларнинг шаҳар кенгаши кўрган чора-тадбирларга жавобан иш кўриб, уларнинг қора ниятларини амалга оширишга йўл қўймаслик учун ҳаракат қилдилар. Шўроларнинг Харбий Инкилобий кўмитаси собиқ хон ўрдасига жойлашиб олган эди. Мухториятчилар кўшини ана шу қароргоҳга ҳужум қилди. Бироқ аниқ режа асосида амалга оширилмаган бу ҳужум муваффақиятсизликка учради. Аммо шаҳар телефон станцияси узиб ташланди. Мана шу вақтда Шўролар Кенгашига ёрдам учун Тошкентдан, Скобелевдан, Ардижондан, Перовскдан ва бошқа ерлардан ёрдам кўшинлари Кўконга кириб келди.

Вазиятни ҳисобга олган Туркистон Халк Комиссарлар Совети 1918 йилнинг 14 феввали куни бутун Фаргона вилоятида харбий ҳолат эълон қилди. Шунингдек, Фаргона темир йўлида эса камал ҳолати жорий этилди. Митинг ва намойишлар ўтказиш таъқиқланди. Ҳукумат қарорида: «Бу қарорни бузганлар пулемёт ва милтик ўқи билан

карши олинади», деб алохида кўрсатиб ўтилди. Аммо Тошкентда ва умуман Туркистонда харбий-сиёсий вазият огирлиги учун ҳам Тошкентдан кўп ёрдам бериш кийин эди. Шунинг учун ҳам Скобелев шаҳар думаси раиси Дармоедовнинг каршилигига карамай, Фаргона шаҳар харбий дружинасининг командири комиссар К. Осипов Шўролар Советининг қарорига амал қилиб 4 та пулемёт, 4 та замбарак ва 140 та аскар билан Кўконга ёрдамга келган эди. Ўзича, у ўз отряди билан Мухторият ҳукумати камокка олмокчи ҳам бўлди. Аммо бунинг акси бўлиб чиқди. Уларнинг ўзлари мухториятчиларнинг кўшини томонидан ўққа тутилди. Ва ҳатто мухториятчилар қалъани олиш учун жанг бошлаганларида болта, таёк, тош, чўкич ва бошқа нарсалар ушлаган оломон уларга мадад бермокда эди. Уларнинг сони ўн мингдан ошган эди, деган маълумотлар ҳам бор. Улар ўзларини мужохидлар деб эълон қилдилар. Бу вақтда осиповчилар яшириниб олишган эди. Оломон қалъани штурм қила бошлади. Аммо кизил кўшинлар яхши қуролланган ва харбий тактикага эга эди. Шунинг учун ҳам улар қалъани мустаҳкам туриб химоя қилдилар.

18 йил 17 февралда Мухторият ҳукумати билан Шўролар ҳукумати вакиллари ўртасида музокара бошланди. Бу музокара Мухторият ҳукумати раҳбариятининг таклифи билан бошланди. Музокара вақтида мухториятчилар қуйидаги шартларни қўйдилар: 1. Шаҳарни биргаликда бошқариш ва унинг таркибида мухториятчиларнинг кўпроқ вакиллари бўлиши. 2. Харбий қалъани шу органининг назорати остига олиш. 3. Милициядан бошқа барча қучларни қуролсизлантириш. 4. Ўлка Шўролар ҳукуматининг шариятга зид декретларини бекор қилиш.

Харбий Инкилобий кўмита бу таклифларни рад этди. Шундай кейин 18 февралда музокаралар яна давом эттирилди. Мухторият ҳукумати нима қилиб бўлсада ўртада қон тўқилмаслиги учун ҳаракат қилди. Мухторият ҳукуматининг харбий вазири полковник М. Чанишев Ревком олдига ҳатто ултиматум қўйиб соат тўртгача қалъанинг топширилишини талаб қилди. Аммо Мусулмон ишчи ва дехқонлар конференцияси қатнашчилари талаб қўйиб, ултиматумни қайтариб олишга мажбур қилдилар. Ана шундай кескин вазият содир бўлиб турган кезларда «Шўройи уламо»чилар ва уларнинг тарафдорлари қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Мухторият ҳукумати аъзолари ичида ўзаро ихтилоф пайдо бўлди. Ҳукумат раҳбари М. Чўкаевни истеъфога чиқишга мажбур этдилар. Натижада унинг ҳукумат қабиети тарқатилди. М. Чўкаев ўзига яқин қишилари билан ҳукуматни ташлаб, Кўконни тарқ этишга мажбур бўлди.

Харбий вазир М. Чанишев камокка олинди. М. Чўкаев эса кўрокликда айбланди. «Уламо»чиларнинг ёрдами билан Эргаш полвон ҳукумат раҳбари ва Бош кўмондон этиб тайинланди. Қискача қилиб айтганда, бўлиб ўтган воқеалар ўз навбатида давлат тўнтариши эди.

Худди шу вақтда Тошкентдаги большевистик ҳукуматнинг харбий вазири сўл эсэр, генерал Е. Перефильев бошчилигида пиёда, отлик ва артиллерия қисмларининг иккинчи эшелони Кўконга қириб келди. Кўкон уч тарафдан қуршаб олинди. Артиллерия қисмлари жанговар ҳолатда буйруқни қутиб турар эди. Шу тариқа Кўконда мудҳиш воқеаларнинг содир бўлиши аниқ бўлиб қолган эди.

19 февраль куни кизил кўшинлар раҳбарияти Мухторият ҳукуматининг раиси, кўмондон Эргашга ултиматум юборди. Унда қуролларни ташлаш ва таслим бўлиш талаб этилди. Аммо Эргаш ултиматумни қабул қилмади. Шундан кейин генерал Перефильев ёндирадиган барча снарядлари ишга солишга ва 12 та замбаракдан ўт очишга буйруқ берди. Қундуз соат бирдан бошлаб Кўкон осмонини қора булут, замбараклар овози ва

тутун куршаб олди. Бегунох одамлар ҳам тўп-замбараклар ўки остида колди. Шу хужумнинг иштирокчиси М. Шкорупанинг хотирлашича: «Тинч аҳо-лининг уйлари, Туркистон, Россия учун ҳам танкис бўлиб колган мануфактура ва галла омборлари ёнарди. Кўкон уч кун бутунлай ўт ичида колди». А. Т. Каравайцевнинг эсдаликларига караганда, айниқса «Коновалов тўдасидаги арман дашноклари ўзбошимчаликни хаддан ошириб юбордилар. Улар Кўконга келгунча тинч аҳолини талаб, киргин килган» («Воспоминания». Ташкент, 1957).

«Наша газета»нинг ёзишича, ўрус кўшинлари мусулмонларнинг ибодатхоналари бўлмиш масжидларни ва ўқув юртлари бўлмиш мадрасаларни ҳам тўплар ёрдамида хонавайрон килган. Генерал Перефильевнинг эсдаликларида мактаниб ёзишига караганда «...Мен 12 замбаракдан ўк очдира бошладим. Биринчи отишмадан кейинок исёнчилар (мухториятчиларни кўзда тутаетир — Й. К.) Эски шахарга караб кочишди».

Шиддатли жанглар ва киргинбарот уруш харакатлари 20 февралда ҳам давом этди. Шу куни шахар ичкарасига арманлардан иборат «Дашнокцутюн» коми билан аталган каллакесар жанговар қисмлар кнриб келди. Эндиги жанглар Кўконнинг Эски шахар қис-мига кўчди. Бу ерда ҳам мудхиш фожиалар рўй берди. Мухторият-чилар ва уларнинг тарафдорлари томонидан хар бир уй, бино, омбор, савдо қорхоналари учун яккама-якка жанглар бўлган. Бу ҳақда шу воқеаларнинг иштирокчилари ўз эсдаликларида ёзиб қол-дирганлар ва архив хужжатлари ҳам бор.

Эргаш бошчилигидаги мухториятчилар армияси Эски шахарни ўраб, уч кун каттик мудофаа килди. Шу уч кун ичида бутун-бутун бинолар, савдо расталари, дўконлар, омборхоналар, масжид-мадрасалар, мануфактура қорхоналари вайрон бўлган. Шу кунлар ичида уч мингдан ортиқ киши халок бўлган. Халқ Комиссарлар Совети томонидан юборилган кизил кўшинлар ёрдамида ва иштирокида ўтказилган бу харбий операция уларнинг галабаси билан яқунланди («Улуг Туркистон», 1918 йил, 2 март).

19 февраль куни Мухториятнинг ўн беш раҳбари — А. Ўразаев, Я. Агеев, М. Мирахмедов, М. Чанишев, Кушбегиев ва бошқалар Скобелев – Фаргонага жўнаб кетишган эди. Улар Фаргонада ва унинг атрофларида ҳам бўлиб, халқни Мухториятни химоя қилишга даъват этдилар. Жойларда намоёишлар уюштирдилар. Бирок улар айғокчилар томонидан ушлаб олиниб, сўроқсиз ва айбсиз равишда ўз жойларида отиб ташланди. Ноилож қолган Эргаш ўзининг г'ин отряди ва бошқа мухториятчилар шахарни ташлаб чиқиб кетдилар. Мухтор ҳукуматнинг кўлга тушган хар бир аъзоси отиб ташланди. «Улуг Туркистон» рўзномасининг ёзишича, ҳукумат хазиначиси Саидносир Миржалилов қамолка олинган ва унинг ихтиёридаги хазина мусодара қилинган ва таланган (1918 йил 21 февраль).

Шу вақтларда Тошкентда қозоқ тилида чиқиб турган «Бирлик туги» рўзномаси «Кўкон воқеалари»ни шундай шарҳлайди: «Яқинда у (большевикларнинг кизил хокимияти ва унинг қуролли қучларини кўзда тутмоқда – Й. К.) Кўкон кўчаларини инсонларнинг қони билан бўяди. Мусулмонлар яшайдиган Эски шахарни ер билан яқсон қилиб текислаб ташлади, минглаб айбсиз ва химоясиз мусулмонларни ўлдирди, уларнинг мол-мулкларини талон-тарож этди... Аммо буларни у оддий қилиб эмас, кизил байроқ, озодлик ва инқилоб шиорлари остида амалга оширди».

Шундай қилиб, Туркистон Мухторияти ағдариб ташланди. У бешигида бўгилди. Шўроларнинг Кизил кўшинлари ва хокимият раҳбарияти тарихда кечирилмайдиган гуноҳи азимга ботди. Буни тарих ҳеч қачон унутмайди. Аммо мухториятчиларнинг қурашлари изсиз қетмади. Орадан етмиш уч йилгина ўтиб, улар орзу қилган қамон етиб

келди. Ўзбекистон мустакил бўлди.

Йўлчи КОСИМОВ,
тарих фанлари номзоди.